ҚҲММБ: 09/20/735/1580-сон
20.11.2020 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20**20** yil «**19**» **ноябрь** № **735** Toshkent sh.

## Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" 2020 йил 2 мартдаги ПФ–5953-сон ҳамда "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6099-сон Фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшлар, аёллар ва кексаларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш ва уларни жисмоний фаоллигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

**"Пандемияни спорт орқали енгамиз!"** ғоясини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасида 2021–2022 йилларда спорт сиёсатини жадаллаштириш дастури **1-иловага** мувофиқ;

**"Соғлом аёл – буюк келажак"** ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш чора-тадбирлари дастури **2-иловага** мувофиқ;

2020–2022 йилларда Ўзбекистонда **спорт ва экстремал туризмни ривожлантириш** бўйича чора-тадбирлар дастури **3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида **миллий спорт турларини ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш** чора-тадбирлари режаси **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан биргаликда **2020 йил 1 декабрдан бошлаб** соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ижтимоий видеороликларни "Прайм–тайм" вақтида бепул намойиш этиш тавсия этилсин.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ижтимоий видеороликлар буюртмачиси этиб белгилансин.

3. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда **2021 йилдан бошлаб**:

а) йил давомида аҳоли, шу жумладан ёшлар ўртасида тўрт босқичли (маҳалла, туман (шаҳар), вилоят, республика) юриш ва югуриш, бадминтон, стритбол, мини футбол, велоспорт, “Workout” бўйича спорт мусобақаларининг ташкил қилинишини;

б) “**Отам, онам ва мен – соғлом оиламиз!**” шиори остида телевизион оилавий спорт мусобақаларини маҳалла, туман, вилоят ва республика босқичларини ўтказиш орқали барча оила аъзоларини спорт билан шуғулланишга жалб қилинишини;

в) умумтаълим мактабларида “**Биз билан бажар, биздек бажар, биздан яхшироқ бажар!**” шиори остида синфлараро спорт мусобақаларининг ташкил қилинишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки мазкур мусобақаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирлари республика календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда:

спортчи ёшларни саралаш ва катта спортга иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция), ёшлар орасида спортни оммалаштиришда юқори натижаларга эришиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларини камида биттадан устувор, истиқболли, ривожланаётган, шу жумладан миллий спорт турларига ихтисослаштирсин;

умумтаълим мактабларининг спорт турларига ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирида ҳар ойда камида битта спорт тури бўйича спорт мусобақалари ўтказилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда:

а) уч ой муддатда:

халқаро даражадаги ва Осиё миқёсидаги спорт тадбирларини (мусобақа, турнир ва фестиваллар) қабул қилиш салоҳиятига эга спорт иншоотлари рўйхатини тузсин;

рўйхат асосида юқори сифатли спорт иншоотлари каталогини яратиш (хорижий тилларда) ва хорижда (халқаро спорт федерациялари ва бошқа спорт ташкилотлари) тарғиб қилиш ишларини ташкил этсин;

б) спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар билан биргаликда спорт туризмини ривожлантириш мақсадида йирик халқаро спорт мусобақаларини республикада ўтказиш чораларини кўрсин.

6. 22 сентябрь **“Халқаро автомобилсиз кун”** муносабати билан:

**2021 йилдан бошлаб** 22 сентябрь куни республика бўйича **“Автомобилсиз кун”** сифатида эълон қилинсин ҳамда шу куни шахсий автомобилда ҳаракатланишдан ихтиёрий равишда воз кечиш (махсус техникалар, такси ва етказиб бериш ҳамда тиббий тез ёрдам учун хизмат кўрсатадиган техникалар, жамоат транспортлари бундан мустасно) тавсия этилсин;

қўшимча равишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари қарорлари асосида туманлар ва шаҳарларда “Автомобилсиз кун” тадбирларини ўтказиш белгиланиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Автомобилсиз кун” тадбирлари ўтказилишини ҳамда жамоат тартиби сақланишини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

7. Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) **икки ой муддатда** пиёдалар ўтиш йўлакларида йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини кескин қисқартириш, шунингдек, аҳолининг пиёда юриши учун қулайликлар яратиш мақсадида барча кўчаларда ўрнатилган светофорларнинг рухсат берувчи чироқлари вақтлари оралиғини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиб, пиёдалар ўтиш йўлакларида, шу жумладан тартибга солинмаган серқатнов пиёдалар ва велосипедда ҳаракатланувчилар учун ўтиш йўлларида махсус светофорларни (тугмачалар орқали бошқариладиган) ўрнатилишини, пиёдалар ўтиш жойларини (зебра) халқаро тажрибадан келиб чиқиб ташкил этилишини таъминласин;

б) **2021 йил 1 апрелга қадар** маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар, шаҳарлардаги пиёда ва велосипедда юриш учун мўлжалланган **“Саломатлик йўлаклари”**га (кейинги ўринларда – Саломатлик йўлаклари) автомобил қўйишни тақиқловчи белгиларни, йўлакларнинг бошланиш қисмига автомобилларнинг ҳаракат қилишини олдини олиш мақсадида махсус тўсиқларни ўрнатсин, бунда тўсиқлар пиёда юриш ва велосипедда ҳаракатланишга халақит бермайдиган бўлиши инобатга олинсин.

Белгилансинки:

светофор чироқларининг вақтлар оралиғини ўрнатишда пиёдалар учун ажратилган вақт устувор этиб белгиланади;

мазкур тадбирларни амалга ошириш харажатлари Ички ишлар вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) пиёда ва велосипедда юриш учун мўлжалланган **“Саломатлик йўлаклари”**да автомобил ҳаракатланишини ва у ерга автомобил қўйиб кетишни олдини олишнинг назоратини кучайтирсин ҳамда бу ишларни доимий равишда амалга оширсин;

г) Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ўқувчилар ва талабалар ўртасида велосипедда тўғри ҳаракатланиш, белгиланган йўлаклардан ташқарида ҳаракатланмаслик, йўл қоидаларига қатъий риоя қилиш бўйича умумтаълим мактаблари, профессионал ва олий таълим муассасаларида йўл ҳаракати ходимлари иштирокида дарс ўтиш ҳамда ўқув қўлланмалар ва буклетлар тайёрлаб ўқувчи ва талабаларга тарқатиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

8. **2020 йил 1 декабрдан** барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

биринчи раҳбарлар ва ўринбосарларига **“Шахсий намуна”** тамойили асосида танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) хизмат автомобилларидан фойдаланмаган ҳолда **велосипедда ёки пиёда** ишга келиши ва кетиши;

иш жойига яқин масофада яшайдиган ишчи ходимларнинг **велосипедда ёки пиёда** ишга келиши ва кетиши тавсия қилинсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

а) **2020 йил 1 декабрга қадар “Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этишда маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарлардаги барча мавжуд пиёда ва велосипедда юриш йўллакларининг ҳолатини инвентаризация қилсин.

Бунда, **“Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этишни **биринчи навбатда** яхши ҳолатда бўлган мавжуд пиёда ва велосипедда юриш йўлакларига тегишли чизмалар чизиш, ахборот кўрсатгичлари ва белгилар ҳамда ёритиш тизимларини ўрнатиш, текис ва тўсиқсиз ҳаракат қилиш имконини яратиш ҳамда **зарур ҳолларда** янги йўлакларни ташкил этилишига эътибор қаратилсин;

б) **2020 йил 10 декабрга қадар** йиллар кесимида ҳар бир маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларда **“Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этишнинг **тармоқ жадвалини** тасдиқласин.

Ташкил этиладиган **“Саломатлик йўлаклари”**ни сифати устидан назорат олиб бориш мақсадида (ҳафтада камида бир марта) тегишли масъуллар

иштирокида, ушбу йўлларда велосипедда ёки пиёда ҳаракатланиши белгилансин;

в) **2020 йил 15 декабрга қадар** тасдиқланган тармоқ жадвалини келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, йиллар кесимида **“Саломатлик йўлаклари”**ни маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарлардаги қайси кўчада ташкил этилиши харитаси, лойиҳа экспертиза хужжатлари, талаб этиладиган маблағлар микдори (кейинги ўринда – лойиҳалар) аниқ кўрсатилиши инобатга олинсин;

г) **2020 йил 25 декабрга қадар** Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган тармоқ жадвалини ва лойиҳаларни тасдиқлаш учун халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига киритсин;

д) ҳар йили 1 декабрга қадар тегишли ҳудуддаги барча ташкилот ва муассасаларнинг кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режасини ҳамда дастурларини тасдиқланишини таъминласин.

10. Қурилиш вазирлиги **2021 йил 1 январга қадар**:

**“Саломатлик йўлаклари”**ни барпо этишда **“тўсиқсиз муҳит”** ташкил этилиши, хусусан, йўлакларга турли тўсиқлар ўрнатилиши, қўшимча қурилишлар қурилмаслиги ва бошқалар бўйича амалдаги шаҳарсозлик нормаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритсин;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда бош архитекторларнинг **“Саломатлик йўлаклари”**ни тўғри ташкил этиш бўйича малакасини ошириш курсларини ташкил этсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, туман ва шаҳарларда кўчаларни модернизация қилиш ва янги йўлларни қуришда **“Саломатлик йўлаклари”** назарда тутилмаган тақдирда ушбу лойиҳалар учун молиялаштириш амалга оширилмайди ҳамда давлат комиссияси томонидан қабул қилинмайди.

Молия вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги мазкур ишлар устидан қатъий назорат ўрнатсин.

12. Меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш мақсадида барча зарур шароитларни яратиш, ушбу вазифаларга эришишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиб бориш – давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгилансин.

13. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига:

“Жисмоний тайёргарлик даражаси” махсус спорт синовлари бўйича совринли ўринларни (I, II ва III ўрин) қўлга киритган давлат ташкилотлари

раҳбар ва ходимларини йилига бир марталик дам олиш масканлари ёки санаторияларга имтиёзли йўлланмалар бериш тартибини жорий этиш;

жисмоний тарбия ва соғломлаштириш учун шарт-шароитлар яратадиган, шунингдек, ишчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган иш берувчиларни рағбатлантириш тизимини яратиш тавсия этилсин.

14. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб**:

**экстремал спорт ва спорт туризми бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадида** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида алоҳида кафедрани;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари негизида “спорт тадбирларини шарҳловчи”, “йирик спорт тадбирларини ташкиллаштириш (промоутер)” ҳамда “оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш” бўйича магистратура мутахассисликларини ўқишга қабул қилиш давлат буюртмаси параметрлари доирасида ташкил этиш чораларини кўрсин.

15. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси **2021 йилдан бошлаб ҳар йили** спорт менежерлари, психологлари, йирик спорт тадбирлари ташкилотчиларини (промоутер) ривожланган хорижий давлатларда таълим олишларини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тақдимномасига асосан қисқа муддатли ва узоқ муддатли курслар учун мақсадли ўрин ажратсин ҳамда юборилишини таъминласин.

16. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитаси 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этсин:

давлат умумтаълим мактаблари, профессионал ва олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда – таълим муассасалари) балансидаги спорт иншоотларини жисмоний тарбия дарсларидан бўш вақтларда спорт мактаблари ва спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар), спорт клублари ҳамда бошқа спорт ташкилотларига (кейинги ўринларда – спорт ташкилотлари) белгиланган тартибда ижарага беришни мажбурий этиб белгилаш;

ҳар бир таълим муассасаси камида битта спорт ташкилоти билан оммавий спортни ривожлантриш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ҳамкорлик қилиш меморандумини тузиш;

спорт иншоотларини спорт ташкилотларига ижарага бермаган ҳамда ҳамкорлик меморандумини тузмаган давлат таълим муассасалари раҳбарларини интизомий жавобгарликка тортиш.

17. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши **икки ой муддатда**:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спорт билан шуғулланиши учун шароит яратишдаги фаолиятига рейтинг асосида баҳо бериш тартибини;

спорт иншоотлари ва ташкилотлари раҳбарларининг аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, зарур шароитларни яратиш, юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ва бошқа йўналишлардаги иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқласин ва амалиётга жорий этсин;

ўз йиғилишларида мазкур қарор ижросини доимий равишда муҳокама қилиб борсин.

18. Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги давлат таълим муассасаларини доимий равишда санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

19. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги:

а) тизимдаги муассасаларда марказлашган тартибда рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек тизимдаги барча ташкилотлар учун ягона электрон дастурий таъминотни (кейинги ўринларда – дастурий таъминот) яратиш бўйича **2021 йил 1 июнга** қадар техник талабларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

Бунда, давлат бюджетидан спорт соҳаси учун, шунингдек, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика ва ҳудудий календарь режалари учун ажратиладиган маблағлар тақсимланиши ва ишлатилишининг тўлиқ назоратини амалга ошириш, улар бўйича ҳисоботларни шакллантириш, спорт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар тушумларини назорат қилиш ва ишлатилиши шаффофлигини таъминлашга ҳамда тизимни тўлиқ ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йилнинг якунига қадар дастурий таъминотнинг босқичма-босқич жорий этилишини таъминласин.

Белгилансинки, дастурий таъминот бюджет маблағлари ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади.

20. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига тизимидаги спорт иншоотлари ҳудудида реклама баннерлари, LED мониторларини жойлаштиришда истисно тариқасида амалдаги ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар талаб этилмаслиги белгилаб қўйилсин.

ҚҲММБ: 09/20/735/1580-сон
20.11.2020 й.



21. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

23. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “19 ” ноябр даги
735 -сон қарорига
1-илова

**“Пандемияни спорт орқали енгамиз!” ғоясини ўзида мужассам этган Ўзбекистонда спорт сиёсатини 2021-2022 йилларда жадаллаштириш**
**ДАСТУРИ**

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини ҳар бир фуқаронинг ҳаётига киритиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш** | | | | | |
| 1. | Республикада спортнинг жамоавий ўйин турларини янада ривожлантириш. | 1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш.<br>2. Қарор лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2021 йил май | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 2. | Умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш | 1. Ижрочиларнинг ҳамкорликдаги қўшма қарорини қабул қилиш. Бунда, қуйидагиларни назарда тутиш:<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда спортчи ёшларни саралаш ва катта спортга иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция), ёшлар орасида спортни оммалаштиришда юқори натижаларга эришиш мақсадида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларини камида биттадан устувор, истиқболдаги, ривожланаётган, шу жумладан миллий спорт турларига ихтисослаштириш;<br>умумтаълим мактабларининг спорт турларига ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирида ҳар ойда камида битта спорт тури бўйича спорт мусобақалар ўтказилишини таъминлаш; | 2020 йил декабрь | Ижрочилар маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | мусобақаларнинг қуйи (умумтаълим мактаблари) ва туман (шаҳар), республика босқичларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. | | | |
| 3. | Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи "Жисмоний тайёргарлик даражаси" синовларини жорий қилиш. | 1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритиш. Бунда:<br>жисмоний тайёргарлик даражасини аниқловчи мезонларни мураккаблик даражасини махсус жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган вазирлик ва идоралар учун алоҳида ҳамда аҳолининг барча қатламлари учун ёш тоифаларини инобатга олган ҳолда алоҳида белгилаш;<br>аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни соғлом бўлишга, уларнинг спорт билан чиниқишига, жисмоний тарбия ва спортни кундалик турмуш тарзига айлантириш;<br>аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши бўйича билим ва кўникмаларни ошириш;<br>республиканинг чекка худудларида соғломлаштириш ишларини ривожлантириш;<br>ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига амал қилишини назарда тутиш.<br>2. "Жисмоний тайёргарлик даражаси" жисмоний тайёргарлик синовларини ўтказишни жорий этиш орқали 6,1 млн нафар (жами аҳоли сонига нисбатан 18 фоиз) аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини ошириш. | 2021 йил май | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Халқ таълими вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| 4. | Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган | 1. Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлаш. | 2021 йил июн | Бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ҳамда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш | 2. Қарор лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | | Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 5. | 22 сентябрь “Халқаро автомобилсиз кун” муносабати билан тадбирлар ўтказиш | 22 сентябрь “Халқаро автомобилсиз кун” муносабати билан:<br>қўшимча равишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари қарорлари асосида туманлар ва шаҳарларда “Автомобилсиз кун” тадбирларини ўтказишни белгилаш;<br>“Автомобилсиз кун” тадбирларини ўтказилишини ҳамда жамоат тартиби сақланишини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш. | 2021 йилдан сентябрдан бошлаб ҳар йили | Ижрочилар маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий гвардия, вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар |
| 6. | Барча даражадаги раҳбарларнинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спорт билан шуғулланиши учун шароит яратишдаги фаолиятига рейтинг асосида баҳо бериш амалиётини жорий этиш | Қуйидагиларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Халқ саломатлиги кенгашига киритиш:<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спорт билан шуғулланиши учун шароит яратишдаги фаолиятига рейтинг асосида баҳо бериш тартибини;<br>спорт иншоотлари ва ташкилотлари раҳбарларининг аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, зарур | 2021 йил январь | - | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | шароитларни яратиш, юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ва бошқа йўналишлардаги иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартибини. | | | |
| 7. | Республикада спортнинг “Гимнастрада” (Гимнастика барча учун) турини янада ривожлантириш. | 1. Вазирлар Маҳкамасининг баёни лойиҳасини тайёрлаш.<br>2. Баён лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2021 йил июль | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **II. Ҳудудларда спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилган спорт тадбирларини ташкил этиш** | | | | | |
| 8. | Ҳудудларда спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш. | Спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан:<br>**1)** қишки спорт турлари бўйича **“Chimgan challenge”** (*Тошкент вилояти*);<br>**2)** миллий ва халқ ўйинлари бўйича **“Бойсун баҳори”** фестивали (*Сурхондарё вилояти*);<br>**3)** аёллар ўртасида **“Спорт-нафислик ва саломатлик манбаи”** спорт мусобақалари (*Республика ҳудудларида*)<br>**4)** бадминтон бўйича **“Баҳор маликалари”** спорт мусобақалари (*Республика ҳудудларида*)<br>**5)** халқаро олимпия кунига бағишлаб **“Олимпия ойлиги”** спорт тадбирлари (*Республика ҳудудларида*);<br>**6)** аҳоли, шу жумладан ёшлар ўртасида оммавий юриш, югуриш, бадминтон, мини футбол, велоспорт волейбол, баскетбол, стол тенниси, стритбол, “WorkOut” бўйича | Ҳар йили<br>январь-февраль<br>март-апрель<br>апрель<br>май<br>июнь<br>июль-декабрь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерацияларига (уюшмаларига) ажратилган маблағлар доирасида | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **“Соғлом оила – янги Ўзбекистон таянчи!”** спорт мусобақалари (*Республика ҳудудларида*);<br>7) кураш бўйича **“Махалламиз паҳлавонлари”** спорт мусобақалари (*Республика ҳудудларида*);<br>8) ўқувчилар ўртасида **“Темурбеклар”, “Ёш чегарачилар”** ҳарбий спорт мусобақалари<br>9) **“Автомобилсиз кун”** акциялари (*Республика ҳудудларида*);<br>10) **“Ёшлар тур”** веломарафони (*Республика ҳудудларида*)<br>11) халқаро велосипед кунига бағишлаб **“Халқаро велосипед куни”** веломарафонлар (*Республика ҳудудларида*) | август<br><br>сентябрь-декабрь<br><br>сентябрь | | федерациялари (уюшмалари) |
| 9. | Ўзбекистон ҳудудида халқаро оммавий спорт тадбирларини юқори савияда ташкил этиш. | Халқаро спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан:<br>1) **“Tashkent Marathon”** халқаро марафони (*Тошкент шаҳри*);<br>2) **“Samarkand half marathon”** халқаро ҳайрия марафони (Самарқанд вилояти);<br>3) **“Save Aral”** халқаро веломарафони (*Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри*);<br>4) **“Оқтош-Чарвоқ mountains”** халқаро вело турнирини (*Тошкент вилояти*)<br>5) “Баҳодирлар ўйини” халқаро **“Strongman” спорт-туризм** лойиҳаси (*Қорақалпоғистон Республикаси*);<br>6) **“Соғлом ҳаёт”** халқаро югуриш спорт мусобақалари (*Республика ҳудудларида*)<br>7) **“Save Aral”** халқаро марафони (*Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри*); | Ҳар йили<br><br>март<br><br>режага асосан<br><br>август<br><br>сентябрь<br><br>сентябрь<br><br>октябрь<br><br>октябрь<br><br>октябрь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерацияларига (уюшмаларига) ажратилган маблағлар доирасида | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **8)** **“World Strongmen CUP”** ва **Этноспорт** челленж халқаро турнири (*Республика ҳудудларида*);<br>**9)** триатлон бўйича **Ўрта Осиё Iron man** мусобақаси (*Республика*);<br>**10)** велосипед спортининг БМХ йўналиши бўйича **“ZAMIN CUP”** халқаро мусобақаси (*Жиззах вилояти*) | октябрь | | |
| 10. | Бешта муҳим ташаббусни амалиётга жорий этишни таъминлаш. | 1. Иккинчи ташаббус доирасида тизимли равишда **“Ёшлар ҳафталиги”**, **“Маҳалла ва нуронийлар ҳафталиги”**, **“Таълим муассасалари ҳафталиги”**, **“Хотин-қизлар ҳафталиги”** мусобақаларининг календарь режасини тасдиқлаш.<br>2. Маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда аҳоли ўртасида **5 500 дан** ортиқ оммавий спорт мусобақалари ва тадбирларини тизимли равишда ўтказиш орқали аҳолининг кенг қатламларини оммавий жисмоний тарбия ва спортга жалб этилишини таъминлаш.<br>Ўтказиладиган мусобақаларга аҳолининг **30 фоизини** қамраб олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг умумий сонини **20 фоизга** етказиш. | Ҳар йили январь<br><br>йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар |
| 11. | Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда худудлардаги йирик корхоналар ва ташкилотларда ходимларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, жисмоний тарбия | 1. Ҳудудлар кесимида барча корхона ва ташкилотлар, давлат муассасалари ходимлари ўртасида спорт турлари бўйича **“Бош вазир кубоги”**, **“Ҳоким кубоги”**, **“Раҳбар кубоги”**, **“Дўстлик спартакиадаси”** спорт мусобақаларини ўтказиш.<br>2. Тизимли равишда ҳар бир туман шаҳарда **“Мактаблар лигаси”**, маҳалла ёшлари ўртасида **“Маҳаллада футбол”**, **“Футболимиз келажаги”**, **“Чарм тўп”** футбол мусобақаларини ўтказиш. | Ҳар йили сентябрь-ноябрь<br><br>Ҳар йили сентябрь-ноябрь | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, хўжалик ирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | кўникмасини шакллантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш. | 3. Тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича худудлар, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари **фаолиятининг натижадорлигини ҳар чоракда бир марта муҳокама қилиш**. | | | |
| 12. | Жойлардаги урф-одат тусига кирган миллий халқ ўйинлари ҳамда миллий қадриятларни қайта тиклаш, аҳолининг кенг қатламини айниқса, ёшларни миллий спорт турлари ва халқ ўйинларига бўлган қизиқишларини ошириш. | 1. Мамлакатнинг байрам саналарида, жумладан, 21 март **“Наврўз”** умумхалқ байрами арафасида миллий ва халқ ўйинлари бўйича барча ҳудудларда спорт мусобақалари ва фестивалларини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси баёни лойиҳасини киритиш.<br>2. Ёшлар ўртасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини кенг тарғиб қилиш мақсадида **миллий кураш, улоқ-кўпкари, чиллак, минди, қарабтеп, бештош, варрак учириш** ва бошқа халқ ўйинлари бўйича мусобақаларни ўтказиш. | Ҳар йили 20 февралга қадар<br><br>март-апрель | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари, спорт федерациялар |
| 13. | Спортчи ёшларни саралаш ва иқтидорли **спортчиларни танлаб олиш (селекция), спорт захирасини шакллантириш тизимини йўлга қўйиш**, ёшлар орасида оммалаштириш, юқори натижаларга эришишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида **7 та** шаҳар, **18 та** чекка туман, қишлоқларда янгидан **25 та** болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш.<br>2. **625** нафар тренерларни иш билан таъминлаш, бир кунда қўшимча равишда **34 375** нафар ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб қилишни назарда тутиш.<br>3. Спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ҳамда оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш низомларида мазкур мусобақаларни тўрт босқичли “ташкилот – туман (шаҳар) – худуд – республика” босқичларида ўтказиш назарда тутилади. | 2021 йил 1 сентябрга қадар<br><br>2021/2022 ўқув йилида | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **III. Халқаро мусобақаларида спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш** | | | | | |
| 14. | Спорт турлари бўйича халқаро комплекс мусобақаларда спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш | Спорт турлари бўйича халқаро комплекс мусобақаларда спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан:<br>**1)** Гангвон шаҳрида (Корея) Қишки Осиё ўйинлари;<br>**2)** Люцерн шаҳар (Швейцария) Қишки Бутунжаҳон талабалар Унверсиада ўйинлари;<br>**3)** Санья шаҳрида (Хитой) Осиё соҳил бўйи ўйинлари;<br>**4)** Бангкок ва Паттая шаҳарларида (Таиланд) Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича Осиё ўйинлари;<br>**5)** Чэнгду шаҳрида (Хитой) Бутунжаҳон талабалар Унверсиада ўйинлари;<br>**6)** Конья шаҳрида (Туркия) Ислом давлатлари ҳамдустликлари ўйинлари;<br>**7)** Шантоу шаҳрида (Хитой) ўсмирлар Осиё ўйинлари;<br>**8)** Қозон шаҳрида (Россия) Биринчи МДХ ўйинлари. | календарь режа асосида<br>январь<br>апрель<br>май<br>август<br>сентябрь<br>ноябрь<br>календарь режа асосида | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерацияларига (уюшмаларига) ажратилган маблағлар доирасида | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар, Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (уюшмалари) |
| 15. | Токио шаҳрида (Япония) 2021 йилда ўтказиладиган **XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида** спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш. | 1. Ўзбекистон делегациясини Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида қатнашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритиш.<br>2. Спортчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш. | 2021 йил май<br>режа асосида | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 16. | Париж шахрида (Франция) 2024 йилда ўтказиладиган **XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига** тайёргарлик кўриш. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритиш.<br>Бунда, шу жумладан Ўзбекистон спортчиларини Париж шаҳрида (Франция) 2024 йилда ўтказиладиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўрт йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2021 йил декабрь | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, спорт турлари бўйича федерация ва уюшмалар |
| 17. | Нуфузли халқаро мусобақалар ва турнирларда Ўзбек велоспортчиларининг тўлақонли иштирокини таъминлаш орқали Рейтинг очколарни ютиб олиш ҳамда 2024 йилдаги ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш имкониятини берувчи Квоталар (Лицензиялар)ни сонини максимал даражада кўпроқ миқдорини қўлга киритиш. | 1. Велосипед спортининг шоссе йўналиши бўйича “UZBEKISTAN CYCLING PROJEKT” Командасини (Эркаклар ва Аёллар жамоалари) Халқаро велосипедчилар Иттифоқи (UCI) меъёрлари ва талабларига жавоб берадиган ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва андозаларига асосланган ҳолда ташкил этиб таъсис этиш;<br>2. Велосипед спортининг трек йўналиши бўйича “UZBEKISTAN CYCLING PROJEKT” Командасини Халқаро велосипедчилар Иттифоқи (UCI) меъёрлари ва талабларига жавоб берадиган ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва андозаларига асосланган ҳолда ташкил этиб таъсис этиш;<br>3. “UZBEKISTAN CYCLING PROJEKT” Командаларини таъсис этиш, фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ масалаларни молиялаштириш манбааси Миллий Олимпия Қўмитаси маблағлари ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг хомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини белгилаш. | 2020 йил декабрь | Миллий Олимпия қўмитаси маблағлари, Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг маблағлари | Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Спорт инфратузилмасини ривожлантириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва рағбатлантириш** | | | | | |
| 18. | Спорт **инфратузилмасини янада ривожлантириш**. | Бир кунда **27 500** нафар ёшларни қамраб олиш имкониятига эга бўлган **48 та** замонавий спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш ва халқаро талаблар асосида асбоб-ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлаш | Белгиланган муддатларда | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| 19. | Ҳар бир туман (шаҳар)ларнинг маданият ва истироҳат боғлари, манзарали очиқ боғлар, соҳил бўйи ва бошқа аҳоли учун қулай бўлган худудларда аҳолинининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитларни яратиш | 1. 3-5 километрдан кам бўлмаган масофада замонавий “Саломатлик йўлаклари”, “Велосипед йўлаклари”, “WorkOut” — маҳалла (кўча) фитнеси, “скандинавча юриш”, юриш, югуриш йўлаклари ташкил этиш;<br>2. Ҳудудлардаги йирик спорт иншоотларининг бўш турган ер майдонларига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт майдончалари, , спорт соғломлаштириш масканлари | белгиланган режа асосида | Ижрочилар маблағлари | Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари<br><br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 20. | Таклифлар асосида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, **ҳар бир умумтаълим мактабини маълум бир спорт турига ихтисослаштириш**. | 1. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг қизиқиши ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, ҳар бир умумтаълим мактабини маълум бир спорт турига ихтисослаштириш.<br>2. Ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларини спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) томонидан методик таъминлаш ва спорт инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш. | 1 июнга қадар<br><br>1 августга қадар | Ижрочилар маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 21. | Илғор халқаро таълим стандартлари ва талабларини инобатга олган ҳолда жисмоний | 1. **Беларусь миллий техника университети** билан ҳамкорликда спорт технологияларини техник таъминоти бакалавриат таълим йўналиши | 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва сифатини ошириш. | бўйича қўшма таълим дастури асосида кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш.<br>2. Хитой ҳамда европа давлатларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлайдиган нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш чораларини кўриш.<br>3. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда спорт туризми бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида кафедра ташкил этиш.<br>4. Спорт таълим муассасаларини олий маълумотли тренерлар билан таъминлаш даражасини **58 фоизга** етказиш. | 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб<br><br>Йил давомида | | |
| 22. | Аҳолининг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли мониторинг олиб бориш. | 1. Мониторинг олиб бориш тартибини белгилаш.<br>2. Мониторинг натижаларини ҳудудлар кесимида умумлаштириш ҳамда мониторинг натижаларини муҳокама қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | ҳар чоракда бир марта | — | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги |
| **V. Оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш жараёни тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш** | | | | | |
| 23. | Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет жаҳон тармоғи орқали жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш чораларини амалга ошириш. | 1. Машҳур спортчилар билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ва маҳорат сабоқларини ўтказиш;<br>2. “Олимпия ҳаракати” мавзусида семинарлар ва конференциялар ташкил этиш;<br>3. Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ижтимоий рекламали ахборот сифатида бепул жойлаштириш тизимини ва тартибини жорий этиш; | Йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жаҳоннинг етакчи олимлари, экспертлари иштирокида халқаро Форумлар, конференциялар ўтказилишини ташкил этиш;<br>5. Спортда эришаётган ёрқин ғалабалари орқали Ватанимиз довруғини юқори кўтариб келаётган спортчи ҳамда спорт фахрийлари (тренерлар)нинг ибратли ҳаёт йўли ёшларга намуна қилиб кўрсатиладиган бадиий фильмлар яратиш;<br>6. Жисмоний тарбия ва оммавий спортни кенг тарғиб этишга қаратилган турли радиовикториналарни ташкил этиш;<br>7. Давлат ва хусусий телеканаллар орқали эфирга узатилаётган ҳамда катта аудиторияни қамраб олаётган телесериалларнинг реклама блоклари орасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ижтимоий видеороликлар намойиш этилишини таъминлаш;<br>8. Барча телеканаллар, шу жумладан хусусий телеканаллар эфирида ҳар куни уч марта (соат 7.00, 12.00 ва 17.00 да) нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотлари ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ижтимоий видеороликлар намойиш этилишини таъминлаш;<br>9. Ёшларни, хусусан боғча ёшидаги болаларда жисмоний тарбия ва спорт тушунчасини пайдо қилиш ва уларни қизиқтириш мақсадида “Болаликдан спортга” спорт машғулотларини “Bolajon”, “Sport”, “MY5”, “Sevimli”, UzREPORT TV ва “Zo’rTV” телеканалларида намойиш этилишини таъминлаш. | 2020 йил декабрь ойидан бошлаб | | Миллий олимпия қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 24. | Спорт тадбирларининг кенг ёритилишини таъминлаш. | Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш, хусусан юқори натижаларга эришиб келаётган спортчиларимиз ҳаёти ва фаолиятини ёшларга намуна қилиб кўрсатишга қаратилган ойма-ой медиа-режани тасдиқлаш.<br>Медиа-режада қуйидагиларни назарда тутиш:<br>жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросига бағишланган брифинг ва матбуот анжуманларини ўтказиш;<br>юксак натижаларга эришиб келаётган спортчиларнинг шахсий ҳаёти (турмуш тарзи) ва спорт фаолиятига бағишлаб **“Спортчининг бир куни”**, **“Спортдан топган бахтим”** руknидаги телекўрсатувларни эфирга бериш;<br>миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари тарғиботини кучайтиришга қаратилган кўрсатувлар, ушбу йўналишдаги мусобақалар намойишини (телетрансляцияси)ни йўлга қўйиш;<br>Ўзбекистонда спорт инвентарлари ва жиҳозларини ишлаб чиқараётган корхона ва ташкилотлар фаолиятини кенг ёритиб бориш (**Андижон**, **Наманган**, **Самарқанд** ва **Чирчиқ** шаҳарлари мисолида);<br>ёшлар орасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари (миллий кураш, улоқ-кўпкари, чиллак, минди, ланка, бештош, варрак учириш ва ҳ.к.)ни кенг тарғиб қилишга қаратилган туркум ижтимоий видеороликлар тайёрлаш;<br>Токио-2021 олимпиадасига спортчиларнинг тайёргарлик жараёни, бу борада уларга яратилаётган шароитлар тўғрисида кўрсатувларни эфирга бериш (Олимпия ва Паралимпия | Йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Миллий олимпия қўмитаси, Ёшлар иттифоқи |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўйинларига лицензияни қўлга киритган спортчилар тўғрисида). | | | |
| 25. | Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, жисмоний фаоллигини ошириш соҳасида тарғибот ишларини амалга ошириш | 1. "Соғлом ҳаётга қадам ташла!", "Соғлом муҳитни (тамаки ва алкоголдан холи) танлаймиз!" шиорлари остида концертлар, театр томошалари ўтказиш;<br>2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа ташкилотларда соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик даражасини ошириш ва соғлом турмуш тарзини олиб бориш бўйича давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш;<br>3. Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, жисмоний фаоллик даражасини ошириш бўйича баннерлар, плакатлар, буклетлар ва бошқа ахборот-маърифий материалларни тайёрлаш, шу жумладан, уларни савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари, тиббий ва таълим муассасалари, шаҳар ва туманларнинг марказий кўчалари, одамлар кўп тўпланадиган жойлар, жамоат транспортида жойлаштириш йўли билан тарқатиш;<br>4. Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш мақсадида уяли телефон фойдаланувчиларига ҳар куни смс-хабарларни жўнатиш. | 2021 йилдан бошлаб<br>Ҳар ҳафтада бир марта | Ижрочилар маблағлари | Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |

Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб қайта кўриб чиқилиши ёки бир ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “19” ноябр даги
735-сон қарорига
2-илова

**“Соғлом аёл – буюк келажак” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш чора-тадбирлари**
**ДАСТУРИ**

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **“8 март - Халқаро хотин-қизлар куни”** муносабати билан идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда ҳудудлардаги йирик корхоналар ва ташкилотларда ишлайдиган хотин-қизларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, жисмоний тарбия кўникмасини шакллантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ҳудудлар кесимида барча корхона ва ташкилотлар, давлат муассасаларида ишлайдиган хотин-қизларни ўртасида спорт турлари бўйича “**Бахор маликалари”** спорт мусобақаларини ўтказиш.<br>2. Тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳудудлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари **фаолиятининг натижадорлигини ҳар чоракда бир марта муҳокама қилиш.** | 2021 йил март | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар |
| 2. | “Жонажон Ўзбекистоним мангу бўл омон!” шиори остида 50 ёшгача бўлган уй бекалари ҳамда 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида “Гимнастрада” спорт фестивалини ўтказиш ҳамда спортга кенг тарғиб қилиш чораларини амалга ошириш. | Фестивални юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Шу жумладан:<br>1.“Жонажон Ўзбекистоним мангу бўл омон!” шиори остида “Гимнастрада” спорт фестивали ўтказиш юзасидан Вазирлар | 2021 йил август | Ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Маҳкамаси баёни лойиҳасини тайёрлаш;<br>2. Машҳур спортчилар билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ва маҳорат сабоқларини ўтказиш;<br>3. Фестивални ижтимоий рекламали ахборот сифатида бепул жойлаштириш. | | | ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 3. | Хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, спортнинг оммавийлигини ва шуғулланувчилар сонини ошириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни хотин-қизларнинг кундалик турмуш ҳаёти тарзига айланиши ишларини амалга ошириш. | 1. Хотин-қизлар ўртасида спортнинг 6 та тури бўйича **“Аёллар спорт фестивали”** ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўриш;<br>2. 2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари республика календарь режаси асосида ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар) календарь режасига киритиш;<br>3. Қўшма чора-тадбирлар режа лойиҳасини тайёрлаш;<br>4. Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш. | 2021 йил ноябрь | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги , Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 4. | Хотин қизлар ўртасида республикамиз бўйича оммавий бадан тарбия ва юриш куни ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | **“Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз”** шиори остида **“Оммавий юриш”** ва **“Саломатлик стартлари”** оммавий спорт тадбирларини ўтказиш. | 2021 йил август | Ижрочилар Маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги , Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 5. | Имконияти чекланган хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, улар саломатлигини яхшилаш, | 1. Имконияти чекланган хотин-қизлар ўртасида турли спорт | 2021 йил декабрь | Ижрочилар Маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | ўзига ишонч, қатъият, мақсад сари дадил интилиш каби фазилатларни мустаҳкам қарор топтириш, турли хил спорт мусобақаларини ташкил этиш чораларини кўриш. | мусобақалари, хусусан, **“Гимнастрада”** спорт фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўриш;<br>2. Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини тасдиқлаш. | | | вазирлиги , Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ногиронлари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 6. | Мазкур Қарор доирасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш ва бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифларни киритиш. | Таҳлилий маълумотнома, зарурат бўлганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиш. | 2021 йил январь | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги , Оила илмий тадқиқот маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 7. | Жойларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда спорт билан мунтазам шуғиланишларига кўмаклашиш чораларини кўриш. | 1. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, шу жумладан, оилавий спорт билан шуғиланишлари бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;<br>2. Фаҳрий спорчи хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш;<br>3. “Устоз — шогирд” тизимини ривожлантириш; | 2021 йил март | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги , Оила илмий тадқиқот маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Кўплаб ютуқларга эришган спортчи хотин-қизларга узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш. | | | |
| 8. | “Соғлом аёл — миллат ғурури” деб номланган илмий амалий конференцияларда бу борадаги долзарб масалалар ижросини самарали ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш. | 1. Машҳур спортчилар билан давра суҳбатлари, мулоқотлар ва маҳорат сабоқларини ўтказиш;<br>2. Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ижтимоий рекламали ахборот сифатида бепул жойлаштириш тизимини ва тартибини жорий этиш;<br>3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида жаҳоннинг етакчи олимлари, экспертлари иштирокида халқаро Форумлар, конференциялар ўтказилишини ташкил этиш;<br>4. Спортда эришаётган ёрқин ғалабалари орқали Ватанимиз довруғини юқори кўтариб келаётган спортчи аёллар ҳамда спорт фахрийлари (тренерлар)нинг ибратли ҳаёт йўли ёшларга намуна қилиб кўрсатиладиган бадиий фильмлар яратиш. | 2021 йил январь | Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги , Оила илмий тадқиқот маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |

| Т/р | Тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом турмуш тарзини юритиш (тўғри овқатланиш, гигиена, тиббий маданият, спорт билан шуғулланиш ва бошқалар) асосларини хотин-қизлар орасида манзилли тарғиб этиш мақсадида якка тартибда тушунтириш ишлари, очиқ мулоқот, сайёр қабул ва давра суҳбатларини ташкил этиш чораларини кўриш. | 1. Чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш;<br>2. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида ишларни олиб бориш. | ҳар йили | Ижрочилар Маблағлари | Соғликни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги , Оила илмий тадқиқот маркази, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 10. | Хотин-қизларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар устидан тизимли мониторинг олиб бориш. | 1. Мониторинг олиб бориш тартибини белгилаш.<br>2. Мониторинг натижаларини ҳудудлар кесимида умумлаштириш ҳамда мониторинг натижаларини муҳокама қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | ҳар чоракда бир марта | — | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги |
| 11. | Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган спорт тадбирларининг кенг ёритилишини таъминлаш. | Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кучайтириш, хусусан юқори натижаларга эришиб келаётган аёл спортчиларимиз ҳаёти ва фаолиятини ёшларга намуна қилиб кўрсатишга қаратилган ойма-ой медиа-режани тасдиқлаш.<br>Медиа-режада қуйидагиларни назарда тутиш:<br>жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросига бағишланган брифинг ва матбуот анжуманларини ўтказиш. | Йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Миллий олимпия қўмитаси, Ёшлар иттифоқи |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “19” ноябр даги
735-сон қарорига
3-илова

**2020-2022 йилларда Ўзбекистонда спорт ва экстремал туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш. | 1. Экстремал туризм йўналиши ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;<br>2. Ўрганилган маълумотлар асосида Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш бўйича асослантирилган таҳлилий маълумот киритиш. | 2020 йил декабрь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси |
| 2. | 2021-2022 йиллар учун экстремал туризм бўйича Республикада ўтказиладиган халқаро ва маҳаллий мусобақалар ва тадбирлар календарь режасини шакллантириш ва тасдиқлаш. | 1. 2021-2022 йиллар учун экстремал туризм бўйича республикада ташкил этиладиган халқаро ва маҳаллий мусобақалар ва тадбирлар календарь режаси бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралардан таклифлар олиш;<br>2. Таклифларни умумлаштирган ҳолда календарь режани шакллантириш ва ўрнатилган тартибда келишиш ҳамда тасдиқлаш. | 2021 йил январь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 3. | Республиканинг экстремал туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида марказий ва маҳаллий телерадиоканаллар, ОАВ (босма ва интернет нашрлари) орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш чораларини кўриш. | 1. Мамлакатнинг экстремал туризм салоҳиятининг ўрганишни ташкил этиш ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда маълумотларни йиғиш;<br>2. Марказий ва маҳаллий ОАВ орқали экстремал туризм йўналишидаги теле ва радио кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиш режа-жадвалини тасдиқлаш; | доимий | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,<br>Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,<br>Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Тайёрланган теле ва радио материалларни мунтазам равишда интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўриш. | | |
| 4. | Республиканинг экстремал туризм салоҳиятини хорижда кенг тарғиб қилиш. | 1. Мамалакатнинг экстремал туризм салоҳияти, жойлари ва объектлари ҳақида тарқатма материаллар (видеоролик, фото ва флаерлар) тайёрлаш;<br>2. Тайёрланган тарқатма материалларни Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консулликлари орқали тарғиботини амалга ошириш чораларини кўриш;<br>3. Хорижий давлатларнинг экстремал туризм бўйича машхур ОАВ вакиллари ва туроператорлари учун инфо турлар ташкил этиш. | Тасдиқланадиган режа асосида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги |
| 5. | Экстремал спорт бўйича спортчиларни халқаро даражада ташкил этиладиган мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш. | 1. Ўзбекистонда экстремал спорт йўналишида фаолият юритувчи барча спорт мажмуалари, иншоотлари, давлат ва хусусий спорт клублари ва спорт турларини хатловдан ўтказиш;<br>2. Экстремал туризм йўналишида хорижий давлатларда ташкил этиладиган халқаро мусобақа ва турнирларни ўрганиш орқали тавсия этиладиган спорт мусобақалари рўйхатини шакллантириш;<br>3. Ўзбекистонда фаолият юритувчи спортчилар ва спорт жамоаларини халқаро мусобақалар ва турнирларда иштирок этиши учун зарурий шарт-шароитини яратиш ва уларни муносиб иштирокини таъминлаш чораларини кўриш. | 2021 йилдан доимий | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси |
| 6. | Экстремал спорт бўйича рейтингли ва нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб бўлган | 1. Халқаро тадбирларда қатнашиб совринга эга бўлган спортчиларни рўйхатини шакллантириш; | 2021 йилдан доимий | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | совриндорлар тўғрисида туркум кўрсатувлар ва теледастурлар тайёрлаш ҳамда онлайн тарзда аҳолига етказиш ҳамда тағрибот ишларини олиб бориш. | 2. Шакллантирилган рўйхат асосида спортчилар ҳақида туркум кўрсатувларни ташкил этиш;<br>3. Тайёрланадиган туркум кўрсатувлар ва телешоуларни эфирга узатиш ишларини ташкил этиш. | | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |
| 7. | Республиканинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида парашют спорти ва дор йўлини (зиплайн) ривожлантириш. | 1. Ривожланган хорижий давлатларнинг парашют спорти ва дор йўлини (зиплайн) бўйича тажрибасини ўрганиш;<br>2. Ўрганишлар натижасида зарурий тавсияларни ишлаб чиқиш ва ажратилдиган ер майдонларини аниқлаш.<br>3. Ажратилган ер майдонларини ўрнатилган тартибда электрон савдо майдончасига жойлаштириш чораларини кўриш;<br>4. Тадбиркорлик субъектлари ва ташаббускорлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барча зарурий шарт-шароитларни яратиш. | 2020 йил декабрь | Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 8. | Республиканинг Жиззах, Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятларида авто ва мото ралли мусобақаларини ташкил этиш. | 1. Ривожланган хорижий давлатларнинг авто ва мото ралли мусобақаларини ташкил этиш бўйича тажрибасини ўрганиш;<br>2. Ўрганишлар натижасида Жиззах, Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятларида авто ва мото ралли мусобақаларини ўтказиш жойларини аниқлаш;<br>3. Авто ва мото ралли йўналишлари бўйича ўтказиладиган мусобақа ва турнирлар низомни ишлаб чиқиш ва идоралараро тасдиқлаш;<br>4. 2021 йилда авто ва мото ралли йўналишлари бўйича ўтказиладиган мусобақа ва турнирлар жадвалини тасдиқлаш;<br>3. Авто ва мото ралли мусобақаларини | Тасдиқланадиган режа асосида 2021-2022 йиллар | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Жиззах, Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон авто ва мото туризм федерацияси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ўтказиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш;<br>5. Мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш чораларини кўриш. | | |
| 9. | Тошкент, Жиззах ва Сурхондарё вилоятиларининг тоғли ҳудудларида ҳаво шарлар фестивалини ўтказиш. | 1. Дунё мамлакатларида ҳаво шарлари фестивалларини ташкил этиш бўйича тажрибасини ўрганиш;<br>2. Ўрганишлар натижасида республиканинг Тошкент, Жиззах ва Сурхондарё вилоятиларида ҳаво шарлари фестивалларини ташкил этиш жойларини аниқлаш;<br>3. Фестивални юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш;<br>4. Фестиваль ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш. | 2021 йил давомида | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон Аэронавтика федерацияси<br>Тошкент, Жиззах ва Сурхондарё вилоятилари ҳокимликлари,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Туримзни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси |
| 10. | Тошкент вилоятида экстремал туризм бўйича халқаро ёшлар фестивалини ташкил этиш. | 1. Фестивални юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш;<br>2. Фестиваль ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш. | 2020 йил декабрь<br><br>2021 йилдан доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Тошкент вилояти ҳокимлиги,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Чанғи спорти федерацияси |
| 11. | Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида экстремал туризмнинг “Каякинг” ва “Рафтинг” турлари бўйича Ўзбекистон очиқ турнирини ташкил этиш. | 1. Ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, турнирни ташкил этиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>2. Турнирни юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш; | Тасдиқланган режа асосида 2020-2022 йиллар | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари, Туризмни |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Турнир ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш. | | ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 12. | Республиканинг Самарқанд ва Тошкент вилоятларида экстремал туризмнинг “Mountain bike” йўналиши бўйича мусобақалар ташкил этиш. | 1. Мусобақани юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш;<br>2. Тадбир ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш. | Тасдиқланган режа асосида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Экстремал ва тоғ туризми федерацияси |
| 13. | Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Жиззах вилоятлари худудларида велосипед спортининг БМХ йўналиши бўйича Республика ва халқаро мусобақалар ташкил этиш | 1. Мусобақани юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш;<br>2. Тадбир ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш. | Тасдиқланган режа асосида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Ўзбекистон велосипед спорти Федерацияси |
| 14. | Тошкент вилоятининг Булоқсув ва Хожикент даралларида музни забт этиш ва драйтулинг бўйича Ўзбекистон мусобақасини ўтказиш. | 1. Мусобақани юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш;<br>2. Тадбир ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш. | Ҳар йили январь - февраль ойларида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алпинизм ва қояни забт этиш федерацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси |
| 15. | Республикадаги мажуд экстремал туризм йўналиши объектлари, жойларини туризм маршрутларга киритиш. | 1. Экстремал туризм объектлари ва жойларини хатловдан ўтказиш ва уларни паспортларини шакллантириш;<br>2. Шакллантирилган маълумотлар асосида туроператорлар билан биргаликда туризм маршрутларига киритиш ва туристлар ташрифини йўлга қўйиш чораларини кўриш. | 2021 йилдан доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 16. | Тоғ чанғиси спорти, сноуборд, конькида фигурали учиш, шорт-трек, хоккей бўйича шуғулланувчи спортчиларининг сифатли спорт кийимлари, замонавий спорт асбоб-ускуналари ва жиҳозлар билан таъминлаш. | 1. Ривожланган хорижий давлатларни тоғ чанғиси спорти, сноуборд, конькида фигурали учиш, шорт-трек, хоккей йўналишдаги тажрибасини ўрганиш;<br>2. Хорижий тажрибага кўра ва мамлакатимизда спортчиларини сифатли спорт кийимлари, замонавий спорт асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорлик субъектларига божхона ва солиқ имтиёзлари бериш юзасидан асослантирилган таклиф киритиш. | 2020 йил декабрь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Қишки спорт турлари ассоциацияси, Чанғи спорти федерацияси, Экстремал ва тоғ туризми федерацияси |
| 17. | Республикада экстремал туризм объектларини ташкил қилиш. | 1. Республикада экстримал туризм объектларини ташкил қилиш юзасидан ҳудудларни хатловдан ўтказиш;<br>2. Ўрганиш натижасида намунавий инвестицион лойиҳалар паспортини ишлаб чиқиш;<br>3. Тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларга тарғибот қилиш чораларини кўриш. | 2021-2022 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 18. | Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида қоя тошларга чиқиш (скаладром) тренажёрларини ташкил этиш. | 1. Ҳудудларда қоя тошларга чиқиш (скаладром) тренажёрларини ташкил этиш мумкин бўлган ҳудудларни ўрганиш;<br>2. Ўрганишлар натижасида аниқланган ер майдонларини ўрнатилган тартибда электрон савдо майдончасига қўйиш;<br>3. Ташаббускорларга зарурий шарт-шароитларни яратиш. | 2021-2022 йиллар | Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 19. | Сурхондарё (Бойсун ва Сариосиё туманлари), Жиззах (Бахмал ва Зомин туманлари) вилоятларининг тоғли ҳудудларида тоғ-чанғи мажмуаларини барпо этиш. | 1. Ҳудудларда тоғ-чанғи мажмуаларини барпо этиш мумкин бўлган ер майдонларини аниқлаш;<br>2. Аниқланган ер майдонларини ўрнатилган тартибда электрон савдо майдончаларига жойлаштириш;<br>3. Тадбиркорлик субъектлари ва | 2021-2022 йиллар | Сурхондарё, Жиззах, вилоятлари ҳокимликлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо саноат палатаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ташаббускорлар учун зарурий шарт шароит яратиш. | | |
| 20. | Экстремал туризм объектлари ва хизматларини ташкил қилаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш. | 1. Ривожланган хорижий давлатларни экстремал туризм объектлари ва хизматларини ташкил этиш борасидаги тажрибасини ўрганиш;<br>2. Хорижий тажрибага кўра экстремал туризм объектлари ва хизматларини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига божхона ва солиқ имтиёзлари бериш юзасидан асослантирилган таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2020 йил декабрь | Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

ҚҲММБ: 09/20/735/1580-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 19 ” ноябр даги
735-сон қарорига
4-илова

## Ўзбекистон Республикасида миллий спорт турларини ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари режаси

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистондаги мавжуд миллий спорт турларини ва халқ ўйинларни илмий талқин қилинишини назарий жиҳатдан тартибга солувчи қўлланма ишлаб чиқиш. | 1. Ушбу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган олимлар иштирокида ишчи гуруҳ ташкил қилиш;<br>2. Илмий асосланган хулосалар асосида ушбу йўналишдаги ўйинлар ва спорт турларини тўғри талқин қилишни тартибга солувчи илмий қўлланма ишлаб чиқиш. | 2020 йил декабрь | Фанлар академияси,<br>Маданият вазирлиги,<br>ихтисослашган илмий ва олий таълим муассасалари<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>оммавий ахборот воситалари,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 2. | Ўзбекистон ҳудудларида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлар тўғрисида маълумот тўплаш методикасини тасдиқлаш. | 1. Ўйин ва спорт турларининг тарқалиш географияси ва анъана сифатидаги давомийлигидан келиб чиқиб маълумот йиғиш шаклларини ишлаб чиқиш<br>2. Ўйин ва спорт турларининг хусусияти ва тарқалишидан келиб чиқиб, маълумот тўплашнинг мақбул йўлларини назарда тутувчи методика ишлаб чиқиш. | 2020 йил декабрь | Фанлар академияси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар<br>Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 3. | Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг барча турлари бўйича ягона реестрни яратиш. | 1. Етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлар барча турлари бўйича этнографик маълумотларни шакллантириш;<br>2. Маҳаллий аҳоли ўртасида халқ ўйинлар тўғрисида сўров ўтказиш орқали маълумотларни шакллантириш;<br>3. Шакллантирилган маълумотлар асосида ягона реестрни яратиш | 2020 йил декабрь, бошланғич маълумотлар тўплаш, ниҳоясига етказилгандан сўнг доимий равишда | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>минтақавий федерациялар,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | чораларини кўриш. | янгилаб бориш | |
| 4. | Республиканинг ҳар бир ҳудуддаги халқ ўйинларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар танлаш ва ўқитиш тизимини жорий этиш. | 1. Хорижий давлатларнинг анъанавий ва этник спорт турлари бўйича кадрларни танлаш ва ўқитиш бўйича тажрибасини ўрганиш;<br>2. Ҳудудлардаги миллий ўйинларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш олиб бориш ва зарурий материалларни тўплаш;<br>2. Тўпланган материаллар асосида кадрларни танлаш ва ўқитиш бўйича тизим яратиш. | 2020 йил декабрь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 5. | Корпоратив ўйинлар (corporate games), жамоавий ўйинлар учун мўлжалланган халқ ўйинлар қўлланмасини ва тўпламини яратиш. | 1. Корпоратив ва жамоавий ўйинларнинг анъана сифатидаги давомийлигидан келиб чиқиб маълумот йиғиш шаклларини ишлаб чиқиш<br>2. Ўйин ва спорт турларининг хусусияти ва тарқалишидан келиб чиқиб, маълумот тўплашнинг мақбул йўлларини назарда тутувчи методика ишлаб чиқиш. | 2021 йил январь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 6. | “Наврўз” байрамига бағишланган миллий спорт турлари бўйича миллий умумхалқ оммавий тадбирини ташкиллаштириш. | 1. Тадбирни юқори савияда ташкил қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баён лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш;<br>2. Тадбир ҳақида ОАВларда эълон бериш ва кенг тарғибот ишларини олиб бориш;<br>3. Тадбирни ташкил этиш, Ўзбекистондаги хорижий дипломатик корпус вакиллари ва туристларни жалб этиш чораларини кўриш. | 2021 йил март | Маданият вазирлиги,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “UzReport” янгиликлар агентлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари |
| 7. | Халқ ўйинларнинг қишки ва ёзги турларини ривожлантириш. | 1. Қишда ва ёзда ташкил қилиш мумкин бўлган халқ ўйинларини хатловдан ўтказиш; | 2021 йил давомида | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Хатлов натижасига кўра уларни синфга бўлган ҳолда туристик мавсумда сайёҳлик оқимини фаоллаштириш мақсадида, ташкиллаштириш ва ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;<br>3. Режага мувофиқ, йил давомида ташкил этиш чораларини кўриш. | | қўмитаси,<br>Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 8. | Ўзбекистонда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлар бўйича тадбирлар рўйхатини шакллантириш. | 1. Йил давомида ташкил этиладиган тадбирлар рўйхатини шакллантириш, тегишли вазирлик ва идоралардан таклифларни олиш;<br>2. Умумлашган тадбирлар режа жадвалини ўрнатилган тартибда келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;<br>3. Тасдиқланган режа-жадвал асосида тадбирларни ташкил этиш чораларини кўриш. | 2021 йил январь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги |
| 9. | Республикадаги мавжуд халқ ўйинларини оммалаштириш чораларини кўриш. | 1. Республикадаги мажуд халқ ўйинларини хатловдан ўтказиш;<br>2. Йўқолиб бораётган миллий ўйин турларини оммалаштириш мақсадида илмий асосларини яратиш ва методика ишлаб чиқиш;<br>3. Халқ ўйинларини намунавий логотип ва пиктограммаларни ишлаб чиқиш ҳамда жамоатчилик фикрини билиш;<br>2. Халқ ўйин турларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида фото-видео материалларни (эскисини) йиғиш ва (янгисини) тайёрлаш;<br>3. Ўйинларнинг ҳар бир тури учун алоҳида кўргазма материалларини | 2021 йил февраль | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | тайёрлаш (видео, маълум бир этник спорт тарихи ҳақида китоблар, қўлланмалар ва бошқалар).<br>4. Ушбу спорт турларини оммалаштириш учун таниқли шахсларни жалб қилиш;<br>5. Миллий кийимлар элементлари билан ўйинларда иштирок этадиган эркаклар ва аёллар учун намунавий кийимлар яратиш. | | |
| 10. | Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлар музейи концепциясини ишлаб чиқиш. Миллий спортнинг турлари тарихи, қоидалари ва хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш. | 1. Намунавий миллий спорт турлари ва халқ ўйинлар музейи концепциясини ишлаб чиқиш;<br>2. Миллий спортнинг турлари тарихи, қоидалари ва хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантирш;<br>3. Музейни халқ ўйинларда ишлатиладиган асбоб ва ускуналар ҳамда китоб, қўлланма ва бошқа нарсалар билан тўлдириш чораларини кўриш. | 2021 йил январь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар<br>Маданият вазирлиги |
| 11. | Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Шероз қалъаси тарихий ёдгорлигида турли мамлакатларнинг ҳарбийлар жамоалари ўртасида “Амир Темур ўйинлари” мусобақасини ўтказиш. | 1. Хорижий давлатлардаги ҳарбийлар иштирокидаги спорт ўйинларини ўрганиш;<br>2. “Амир Темур ўйинлари” мусобақасини юқори савияда ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасини тегишли йиғилиш баёнини ишлаб чиқиш, келишиш ва ўрнатилган тартибда киритиш;<br>3. Мусобақани ташкил этиш чораларини кўриш.<br>4. Мусобақани ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш ҳамда туристларни жалб этиш чораларини | 2021 йил май | Мудофаа вазирлиги,<br>Ташқи ишлар вазирлиги,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>“UzReport” янгиликлар агентлиги,<br>Самарқанд вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | кўриш. | | |
| 12. | “Камондан ёй отиш - мерганлик” ўйинини ривожлантириш. | 1. Ривожланган давлатларнинг камондан ўқ отиш бўйича тажрибасини ўрганиш;<br>2. Ўрганиш натижасида “Камондан ёй отиш - мерганлик” ўйинини юқори савида ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баёни лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва киритиш;<br>3. Тадбирларни вилоятлар ва якуний босқичини республика даражасида ташкиллаштириш;<br>4. Тадбирларни ОАВ орқали кенг ёритиш чораларини кўриш. | 2021 йил июнь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Ўзбекистон камондан отиш федерацияси,<br>Миллий Олимпия қўмитаси,<br>Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Ўзбекистон камондан отиш федерацияси |
| 13. | Тизимли равишда миллий спортнинг айрим турлари бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиш. | 1. Тизимли равишда маҳорат дарсларини ташкил этиш учун миллий спортнинг айрим турлари рўйхатини шакллантириш;<br>2. Маҳорат дарсларини ташкил этиш бўйича режа график ишлаб чиқиш;<br>3. Режа график асосида маҳорат дарсларини ташкил этиш;<br>4. Ташкил этилган ва этилиши режалаштирилган маҳорат дарслари ҳақида мақолалар тайёрлаш, уларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш ҳамда дастурлар тайёрлаш чораларини кўриш. | 2021 йилдан бошлаб мунтазам равишда | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 14. | Форишда “Jizzah Ethnosport Challenge” турнирини ўтказиш. | 1. Турнирни юқори савияда ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баёни лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва ўрнатилган тартибда киритиш;<br>2. Турнирда ўтказиладиган ўйинлар | 2021 йил июнь | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>“UzReport” янгиликлар агентлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | рўйхатини тузиш ва турнир иштирокчиларини турнир бошланишига қадар жисмоний тайёргарлигини ошириш чораларини кўриш.<br>3. Турнирни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш ҳамда туристларни жалб этиш чораларини кўриш. | | |
| 15. | Хивада Пахлавон Махмуд хотирасига бағишланган “Баходирлар ўйини” II халқаро турнирини ташкил этиш. | 1. Турнирни юқори савияда ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баёни лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва ўрнатилган тартибда киритиш;<br>2. Турнир бошланишидан уч ой олдин турнир ҳақида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон бериш;<br>3. Турнирда иштирок этувчи спортчи, ҳакамлар ва меҳмонлар рўйхатини шакллантириш;<br>4. Турнирни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш ҳамда туристларни жалб этиш чораларини кўриш. | 2021 йил июнь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “UzReport” янгиликлар агентлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Хоразм вилояти ҳокимияти,<br>манфаатдор вазирликлар<br>ва идоралар |
| 16. | Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида тоғ халқ ўйинларини ўтказиш. | 1. Тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баёни лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва ўрнатилган тартибда киритиш;<br>2. Тоғ халқ ўйинларини ўтказиш бўйича ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш ҳамда туристларни жалб этиш чораларини кўриш. | 2021 йил июль | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>“UzReport” янгиликлар агентлиги,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 17. | Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ шаҳарчасида саҳро ўйинларини | 1. Саҳро ўйинларини ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш; | 2021 йил август | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги, |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | ўтказиш. | 2. Ўрганишлар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баёни лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва ўрнатилган тартибда киритиш;<br>3. Саҳро ўйинларини ўтказиш бўйича ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш ҳамда туристларни жалб этиш чораларини кўриш. | | Фанлар академияси,<br>манфаатдор вазирликлар ва идоралар |

ҚҲММБ: 09/20/735/1580-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 19” ноябрдаги
735 -сон қарорига
5-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 9-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандидаги “26” рақами “24” рақами билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида бадминтон спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 мартдаги 143-сон қарорида:

а) 6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олимпия захиралари коллежларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадминтон бўлимларини очиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиласин”;

б) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### “Республика ҳудудлари бўйича бадминтон спорт турига бириктирилаётган спорт объектлари РЎЙХАТИ

| Т/р | Ҳудуд номи | Объект номи | Манзил |
|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи спорт зали | Нукус шаҳри, А. Утепов кўчаси, рақамсиз уй |
| | | Нукус шаҳар 1-сонли касб-ҳунар мактаби | Нукус шаҳар А.Утепов кўчаси |
| | | Нукус шаҳар 2-сонли касб-ҳунар мактаби | Нукус шаҳар А.Утепов кўчаси |
| 2. | Андижон вилояти | Андижон шаҳри 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби теннис мажмуаси | Андижон шаҳри, 1-кичик даха, 21б-уй |
| | | Андижон шаҳри 32-умумтаълим мактаби спорт зали | Андижон шаҳри, Салохият кўчаси, 110-уй |
| | | Андижон машинасозлик академик лицейи спорт зали | Андижон шаҳар А. Темур кўчаси 5 уй |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | Бухоро вилояти | “Хумо” спорт мажмуаси бадминтон спорт зали | Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 16-уй |
| | | Бухоро нефть ва газ саноати коллежи спорт зали | Бухоро шаҳар “Намозгоҳ” кўчаси 103-уй |
| 4. | Жиззах вилояти | Жиззах олимпия захиралари коллежи спорт зали (18х36) | Жиззах шаҳри, Сайилжой маҳалласи, Истиклол кўчаси, 12-уй |
| | | Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Жиззах филиали спорт зали | Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 259-уй |
| | | Жиззах Тиббиёт коллежининг спорт зали | Жиззах шаҳар Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, Тошлоқ маҳалласи 212-уй |
| | | Жиззах шаҳар 19-умумтаълим мактабнинг спорт зали | Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи |
| 5. | Навоий вилояти | Навоий ихтисослаштирилган маданият мактаби спорт зали | Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 44-уй |
| | | Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги академик лицейининг спорт зали | Навоий шаҳри, Ғалабашох кўчаси 186-уй |
| 6. | Наманган вилояти | Наманган вилояти юридик коллежи спорт зали | Наманган шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 2-уй |
| | | Наманган шаҳар 1-сон Болалар-ўсмирлар спорт мактабининг спорт зали | Наманган шаҳри, 5А-кичик туман теннис корти |
| | | Наманган мухандислик-қурилиш институти қошидаги “Дўстлик” академик лицейининг спорт зали | Наманган шаҳри, И.Каримов кўчаси |
| 7. | Самарқанд вилояти | Самарқанд вилояти спортнинг уйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт зали | Самарқанд шаҳри, Рудаки кўчаси, 243-уй. |
| | | Пайариқ тумани 1-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабининг спорт зали | Пайариқ тумани, Қумчиқ маҳалласи, Ўйингоҳ кўчаси 19-уй |
| 8. | Сирдарё вилояти | “Алпомиш” спорт мажмуаси | Гулистон шаҳри, Гулистон кўчаси |
| | | Маданият саройи спорт зали | Гулистон тумани, Туркистон кўчаси, 16-уй |
| | | Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт зали | Ховос туман, Ховос шахарчаси, «Бунёдкор» маҳалласи, Катта Ўзбек |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Тракти М-34, Самарқанд кўчаси |
| | | Гулистон шаҳар 8-сонли умумтаълим мактабининг спорт зали | Гулистон шаҳри, 3-мавзе “Обод юрт” маҳалласи |
| | | Гулистон шаҳар Қурилиш техникумининг спорт зали | Гулистон шаҳри, “Боғи шамол” маҳалласи |
| 9. | Сурхондарё вилояти | Термиз шаҳри Ихтисослаштирилган санъат мактаби спорт зали | Термиз шаҳри, А. Навоий кўчаси, 699-уй |
| | | Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети филиалининг спорт зали | Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 288 б-уй |
| | | Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалининг спорт зали | Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси 63-уй |
| 10. | Фарғона вилояти | Фарғона шаҳри 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби кўп тармоқли спорт мажмуаси спорт зали | Фарғона шаҳри, Охунбобоев кўчаси |
| | | Қўқон шаҳар 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабининг спорт зали | Қўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси 77-уй |
| | | Бешариқ тумани 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабининг филиали | Бешариқ тумани, Рапқон қишлоғи 22А- уй |
| 11. | Хоразм вилояти | Хоразм теннис ва бадминтон маркази | Урганч шаҳри, Янгиариқ кўчаси |
| | | Кўшкўпир тумани 2-сонли умумтаълим мактабининг спорт зали | Кўшкўпир тумани, Маданият маҳалласи, Мустақиллик кўчаси 29-уй |
| | | Боғот туман болалар-ўсмирлар спорт мактабига қарашли филиалнинг спорт зали | Боғот тумани, Олтин- Қум шаҳарчаси, Буюк мақсад 1-тор кўча |
| 12. | Қашқадарё вилояти | Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицейи спорт зали | Қарши шаҳри, А. Навоий кўчаси, 64-уй |
| | | Шахрисабз шаҳар 14-умумтаълим мактаби спорт зали | Шахрисабз шаҳри, С. Айний кўчаси, 56-уй |
| | | Қарши олимпия захиралари коллежи спорт ўйинлари зали – асосий бадминтон спорт базаси | Қарши шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 13-уй |
| Тошкент шаҳри | | | |
| 13. | Бектемир тумани | Бектемир тумани И.М. Губкин номли Россия давлат | Бектемир тумани, Сувсоз кўчаси, 89-уй |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги академик лицейи спорт зали | |
| 14. | Миробод тумани | Миробод тумани 175-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Миробод тумани, Саракулская кўчаси, 24-уй |
| 15. | Мирзо Улуғбек тумани | Мирзо Улуғбек тумани 211-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Мирзо Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 1-уй |
| | | М.Улуғбек тумани 279-умумтаълим мактабининг спорт зали | А.Югнакий мавзеси |
| 16. | Олмазор тумани | Олмазор тумани 196-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Олмазор тумани, Қора-Қамиш 2/1 мавзеси, 5а-уй |
| | | Олмазор тумани 1-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабининг спорт зали | Намуна кўчаси 54-уй |
| 17. | Сергели тумани | Сергели тумани 300-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Сергели тумани, 7 мавзеси, Жаҳонаро кўчаси |
| | | Сергели тумани 68-умумтаълим мактабининг спорт зали | Сергели-3 мавзеси |
| 18. | Учтепа тумани | Тошкент Солиқ коллежи спорт зали | Учтепа тумани, кичик халқа йўли, 3-уй |
| | | Учтепа тумани 238-умумтаълим мактабининг спорт зали | Учтепа тумани 21-мавзе |
| | | Тошкент шаҳар Спорт ўйинларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби филиали – асосий бадминтон спорт базаси | Учтепа тумани, Журжоний маҳалласи, Ю.Саккокий кўч. 4б |
| 19. | Яшнобод тумани | Яшнобод туманидаги Меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи спорт зали | Яшнабод тумани, Таракиёт кучаси 2 проезд 1-уй |
| 20. | Чилонзор тумани | Чилонзор Тиббиёт коллежи спорт зали | Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 16-уй |
| | | Чилонзор тумани 181-умумтаълим мактабининг спорт зали | Чилонзор 10-мавзе |
| 21. | Шайхонтоҳур тумани | Шайхонтоҳур тумани 254-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Шайхонтохур тумани, Нувза МФЙ, Ок тепа дахаси, 12-уй |
| | | Шайҳонтохур тумани 299-умумтаълим мактабининг спорт зали | Жарариқ мавзеси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 22. | Юнусобод тумани | Юнусобод тумани 271-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Юнусобод тумани, Чимкент йўли кўчаси |
| | | Юнусобод тумани 21-умумтаълим мактабининг спорт зали | Юнусобод 6-мавзе |
| 23. | Яккасарой тумани | Яккасарой туманидаги тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейи спорт зали | Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси 5/4 |
| 24. | Янги ҳаёт тумани | Янги ҳаёт тумани 231-умумтаълим мактабининг спорт зали | 9-қурилиш ҳудуди |
| | | Тошкент вилояти | |
| 24. | Ангрен шаҳри | Ангрен шаҳри Транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи спорт зали | Ангрен шаҳри, Истиқбол МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 5/1а-уй |
| 25. | Бекобод тумани | Бекобод тумани 7-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Зафар шаҳри, Гулистон МФЙ |
| 26. | Бекобод шаҳри | Бекобод шаҳри 12-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Бекобод шаҳри, “Қосим ота Фармонов” МФЙ |
| | | Ўзбекистон метал заводининг теннис корти | Ўзбекистон кўчаси |
| 27. | Бўка тумани | Бўка тумани Бўка Агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи спорт зали | Бўка тумани, А. Икромов кўчаси, 39-уй |
| 28. | Бўстонлиқ тумани | Болалар-ўсмирлар спорт мактаби “Абай” БСМ спорт зали | Бўстонлиқ тумани, Қораманас қишлоғи, Бойтерак МФЙ, Ипак-йўли кўчаси |
| 29. | Зангиота тумани | Зангиота тумани Болалар ўсмирлар спорт мактаби спорт зали | Эшонгузар қўрғони, Х. Нўмон кўчаси |
| 30. | Қибрай тумани | Қибрай тумани 8-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Қибрай тумани, Қадирлик кўчаси |
| 31. | Нурафшон шаҳри | Нурафшон шаҳри 1-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Обод турмуш МФЙ, Шон шухрат кўчаси, 1-уй |
| 32. | Оққурғон тумани | Оққурғон тумани 6-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Оккургон тумани, Бирлик МФЙ |
| 33. | Олмалиқ шаҳри | Олмалиқ шаҳри Болалар ўсмирлар спорт мактаби спорт зали | Олмалиқ шаҳри, Улуғбек кўчаси, 59а-уй |
| 34. | Оҳангаронт умани | Оҳангарон тумани 12-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Оҳангарон тумани, Қорохтой МФЙ |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 35. | Паркент тумани | Паркент тумани 45-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Паркент тумани, Сурхи МФЙ |
| 36. | Пскент тумани | Пскент тумани 8-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Пскент тумани, Гулшан кўчаси, рақамсиз уй |
| 37. | Тошкент тумани | Тошкент тумани Болалар ўсмирлар спорт мактаби | Келес шаҳар, М. Қашқарий кўчаси, 1-уй |
| | | Универсал спорт мажмуаси | Келес йўли кўчаси |
| 38. | Ўрта Чирчиқ тумани | Ўрта Чирчиқ Педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи спорт зали | Ўрта Чирчиқ тумани, Кўтарма-2 МФЙ |
| 39. | Чиноз шаҳри | Чиноз шахри 40-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Чиноз шаҳри, Бешкапа МФЙ |
| 40. | Чирчиқ шаҳри | Чирчиқ шаҳри 16-сонли умумтаълим мактаби спорт зали | Чирчиқ шаҳри, 8-кичик нохия |
| 41. | Юқори Чирчиқ тумани | Юқори Чирчиқ тумани 37-сонли умумтаълим мактаби зали спорт зали | Юқори Чирчиқ тумани |
| 42. | Янгийўл тумани | Янгийўл тумани Гулбахор саноат касб-ҳунар коллежи спорт зали | Янгийўл тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 6-уй |

**Изох.** *Ҳар бир ҳудудда бадминтон спорт турига бириктирилаётган спорт объектларидан биттаси асосий спорт база сифатида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бадминтон федерацияси томонидан танлаб олинади ҳамда бадминтонга ихтисослаштирилган спорт объекти сифатида фаолият юритади*”.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Олимпия захиралари коллежлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 августдаги 480-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2020 й., 8-сон, 181-модда):

а) 2-илова (Олимпия захиралари коллежлари тўғрисида низом)нинг 29-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Олимпия захиралари коллежига олий маълумотга ва спорт-таълим муассасаларида камида 5 йил амалий иш тажрибасига эга шахслар орасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошчилик қилади”;

б) 5-иловадан 7-банд чиқариб ташлансин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 15 майдаги 409-сон қарорида:

ҚҲММБ: 09/20/735/1580-сон
20.11.2020 й.



а) 2-илова (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши тўғрисида низом)да:

5-бандга қуйидаги хатбоши қўшилсин:

“аҳоли ўртасида тўғри овқатланишни ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш”;

6-бандга қуйидаги мазмундаги “е” кичик банд қўшилсин:

“*е) аҳоли ўртасида тўғри овқатланишни ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:*

аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига кўмаклашиш;

фуқароларни витамин ва микронутриент препаратлари билан таъминлаш бўйича давлат дастурларининг ижро этилишини ўрганиб бориш;

аҳоли ўртасида зарарли, хусусан таркибида туз, қанд, ёғ миқдори меъёридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тарғиботини чеклаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
№ 1